

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР, ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИКИШИ.

№ 90 (4081).

8

МАЙ

ПАЙШАНБА

1969 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ

СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК



ЧИГИТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Областимизнинг Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районининг деҳқонлари кунин-кеча дастлабки муваффақиятнинг қўлга киритдилар.

Ўрта Чирчиқ район пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ана-Ватан хирмонига гектаридан 26,5 центнердан ҳосил кўтариб, 60 минг тонна «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олганлар. Ана шу йилдаги ҳосилни етиштириш учун улар 23 минг 470 гектар ерга барака уруғи қадашини планлаштирган эдилар. Сифатан тайёрланган, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйдирилган ерларнинг 1100 гектардан кўпроғига иенг қаторлаб, 21 минг гектардан кўпроқ майдонга эса чигитни квадрат-уялаб экиб олишди.

Чигит экишда райондаги Охунбобо, Терешкова, Карл Маркс номида «Поларная звезда» колхозининг иришкор пахтакорлари айниқса уюшқонлик билан ишладилар.

Оржоникидзе районининг «оқ олтин» бунёдкорлари ҳам 7500 тонна пахта етиштириш учун социалистик мусобақа бошлаганлар. Пахтакорлар бу йил гектар бошига олинган ҳосилдорлигини 29 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилишпти. Маил, улар ҳам дастлабки муваффақиятнинг қўлга киритиб 2400 гектар ерга чигит экиб олишди. Шундан минг гектар пахта майдонига чигит иваддат-уялаб экилди.

Экилган дастлабки гектарлардаги чигит ёппасига униб чиқабошлади. Эндиги навбат гўза парваришига қаратилган. Бунинг учун ҳамма хўжалиқларда гўзага ишлов берадиган мавжуд техника воситалари тахт қилиб қўйилган.



ЛЯНГИҒУЛ районидagi Ҳамроқул Туреуқулов номидаги колхоз чорвадорлари мустаҳкам ет-хашак базасини яратиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Суратда: колхознинг Н. Мирзаев бошлиқ ет-хашак тайёрлаш бригадаси далада экилган мажмағуҳорига дастлабки ишлов бериш пайти.

● **ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР!** Чигитни текис ундириб олиб, гўза парваришини бошлаб юборинг. Гектарлар тўлиқ, кўчат бут бўлсин. Гўзани ёшлигиданоқ озиқлантириб, уни ҳаша рот ва зараркунандадан сақланг.

● **ЧОРВАДОРЛАР!** Чорва туёғини кўпайтирайлик. Бу йил ўт сароб бўлди. Вақт ғанимат. Моллар учун икки йилга етадиган ет-хашак жамғаринг.

● **ҒАЛЛАКОРЛАР!** Бу йил дон етиштириш юзасидан катта мажбурият олгансиз. Шу кунларда ғаллани ўғитлаш, бегона ўтдан тозалаш ишларини кучайтириб юборинг.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ
КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИ-
ЛАДИГАН ВИЗИТИГА
ДОИР

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Чой Ён Гепнинг таклифига биноан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний шу йил май ойининг ўрталарида дўстона расмий визит билан Корея Халқ Демократик Республикасига боради.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ
МОНГОЛИЯ ХАЛҚ
РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИ-
ЛАДИГАН ВИЗИТИГА
ДОИР

Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг раиси Ж. Самбуунг таклифига биноан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний шу йил май ойининг иккинчи ярмида дўстона расмий визит билан Монголия Халқ Республикасига боради.

Пахтазор хабарлари

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Норкин ака Ўтебоевнинг номида Оққўрғон районидagi «Оққўрғон» совхозининг коллектив хўжалиқ билан тилга олади. Совхозда Норкин ака ўзининг меҳнатсеварлигини, ишбилармон оилликор деҳқонлиги билан танилган.

У бошлиқ участка деҳқонлари қисқа муддатда ўзларига қарашли 131 гектар майдонга чигит ташлаган эдилар. Ҳозир участка далаларида бир текис униб чиққан гўза ниҳолларини парвариш қилиш ишлари уюшқонлик билан олиб борилапти. Улар бу йил ҳар гектар ердан планда белгиланган

24 центнер ўрнига 28 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Участканин А. Абоев, Т. Маматкулов, Т. Булакбоев бошлиқ эвено аъзолари эса ўзларига қарашли ерда ҳосилдорлигини 30 центнердан ошириш учун курашмоқдалар. Сўзи билан иш бир бўлган пахтакорлари ҳосилдорлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Т. МИРҚУРБОНОВ.

ПЕШҚАДАМЛАР

Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг Ша

рофиддин Жалолов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ўтган йили ўзларига қарашли 120 гектар ердан 31 центнердан ҳосил кўтариб, колхозда пешқадамлик қилган эдилар.

Бригада аъзоларининг бу йилги режалари ҳам катта. Улар мавжуд 140 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Шу кунларда бригадаси пайкалларда гўза парвариши намунали олиб борилапти. Бу йилда бригаданин П. Аширов, Э. Қўзйобеов каби азамат меҳнаткорлари тайёр кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Т. УСМОНОВ.

ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 7 МАИГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — маъсум бошдан ва учинчи стун — бир кунда экилган чигит (процент ҳисобида).

ЎРТА ЧИРЧИҚ	100,0	0,5
ОҚҚЎРҒОН	100,0	4,3
Оққўрғон	98,8	—
Янгиқўл	98,0	0,6
Юкори Чирчиқ	97,1	—
Бекобод	95,04	2,1
Бўка	84,9	3,1

Область бўйича	94,8	1,3
----------------	------	-----

ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИ ҚИРИНГ

Ҳозирги пайтда айрим қишлоқлар қиш қаттиқ келди, шунинг учун қишлоқ хўжалик зараркунадалари дегил қиришиб кетди деган фикрлар. Бу тўғрисида Ҳақиқатан ҳам дала-ларда зараркунадаларнинг уруғи кўп-кўп нобуд бўлганини текширишлар шунини кўрсатдики, қишнинг қаттиқ келган бўлишига қарамастан қишлоқ хўжалик зараркунадаларининг жуда оз қисмингина нобуд бўлган. Зараркунадаларнинг асосий қисми қишда сақланиб қолган. Ҳозирги пайтда улар урчиб кўйилмоқда.

Кўзги туғиланин 30 процентдан ортиги қишлоқдан тирик қолди. Бедазорлар, пахта майдонлари, сабзавот далалари ва бошқа жойларга кўзги туғилган кўп-кўп тарқалмоқда. Уларнинг иккидори кўп. Ҳар бир квадрат метрга ҳисоблаганда биттадан ортиб 2—3 тагача кўзги туғилган тўғри келади.

Ургимчаканалар ҳам қиш далада дегил тула сақланиб қолган. Март ойининг охиридан бошлаб гўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ашаддий душмани бўлган бу ҳашарот уларидан чиқиб аста-секин дала-ларга тарқала бошлади.

Шира, трепис, фитомоса кўнғизчалари, кўсак кўрт қиш

қишда сақланиб қолган ҳашаротлар жойлашиб аста-секин кўпайиб дала-лар, бедазорлар, бог ва уюмзорларга тарқала бошлади. Қишлоқ хўжалик зараркунадаларининг кўпайиб кетиши ва экинга зарар келтиришига йўл қўймаслик учун ишнинг нимадан бошлаш керак?

Энг муҳими дала-лар ва бог-

қарши курашда кимёвий дорилардан фойдаланишга киришиш керак.

Каналлар ва йўл оралиқлари, туздорлар ва бошқа даракларнинг оралиқларидаги ерларнинг ҳам интродушнинг 4 процентдан эритмаси билан дорилар талаб этилади.

Ана шу сирларни тадбирларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши қишлоқ хўжалик зараркунадаларининг экинларга қўйлаб тарқалмаслигига улар уруғининг қирилиб кетишига ердан беради. Колхоз ва совхозларнинг агрономлари, мутахассислар ҳамма ерда бу иш сифатли йўлга қўйилишини назорат қилиб боришлар.

С. БОНДАРЕНКО,

Ўсимликларнинг химоя қилиш бўлими станциясининг директори.

Б. ДУБРОВИН,

агроном-энтомолог.

Бўстонлик янада обод ва кўркем бўлади

Бўстонлик — областимизнинг энг сўлим, сермандара районларидан бири. Бу ерда жойлашган кўпгина саноат корхоналари халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Топ багирларидаги колхоз ва совхозлар аҳолига йил сайин кўпроқ гўшт, сут, сабзавот, галла, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш учун курашмоқдалар. Дам олиш уйлари ва санаторийларда ҳар йили неча-неча юзлаб меҳнаткашлар ҳордиқ чиқариб қайтмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз Бўстонликни янада обод ва кўркем қилиш, бу ердаги дам олиш уйлари ва санаторийларини янада кенгайтириш тўғрисида тинмай тамхўрлик қилмоқда. Бунинг учун катта-катта маблағлар ажратилган.

Бирок қишнинг қаттиқ келиши, табиий офат Бўстонликда бошланган кўзгитўғи ишларини сусайтириб қўйди. Лекин одамлар табиат ўжарлигини ўзларининг мардондор меҳнатлари, ақл-чироклари билан енгимокдалар. Барча кўриш ишларини махсус ташкил қилинган механизацияланган кўма колонна олиб бормокда.

Бир сўз билан айтганда, Бўстонлик келаяпти янада обод-обод, йилги автобус маршрутлари очилди. Кўп-кўп уй-жой, мактаб, маданий муассасалар қурилади. Савдо тармоқлари кенгайтирилади. Аҳолига барча соҳалар бўйича қўлайликлар яратилади.

Келгусида Бўстонлик аҳолисининг сони 150 мингга етади. Чорвоқ гидростанциясинингдан ташиқари яна йирин электр станциялар қурилади.

Табиий офат туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини тезроқ қоплаш, қурилиш ва ободончилик ишлари қўзғалиши кенгайтириш, колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кескин кўпайтириш учун нима-ларга эътибор бериш керак?

Яқинда бўлиб ўтган Бўстонлик район партия-хўжалик активни йиғилишида ана шу масала муҳома қилинди.

Актив йиғилиши қатнашчилари беш йилликнинг тўртинчи йилида муҳим вазифалар ва амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Чорвоқ ГЭСИ қурилишининг бошқарувчиси С. Н. Садовский ГЭС қурилиш ишларининг ҳо-ҳимлари, ишчилар коллективларининг табиий офат оқибатларини туғатиш юзасидан олиб бораётган мардондор ишларини сўзлаб берди.

Партия ва ҳукуматимизнинг биз совхоз ишчилари тўғрисида қилган тамхўрликдан чекисиз миннатдоримиз, — деди 14-«Хўжалик» совхозининг «Хўжасон» бўлимининг бошлиғи М. Қўрабев, — бўлимининг ишчилари бу тамхўрликка жавобан қишлоқ хўжалиги ишларини қишнинг юбордилар. Биз ҳар бир кунли имкониятдан унумли фойдаланиб, мўл-кўл мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш учун курашмоқдамиз.

Совхозда ободончилик ишлари ҳақида гапирар экан, у энг биринчи навбатда мактаб, клуб ва бошқа шунга ўхшаш маданий-маиший муассасалар қурилишига эътиборини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Районимизда ободончилик ишлари кучайиб кетди, — дейди Фрунзе номидаги колхозининг чўпон А. Қўшқинбоев, — биз чорвадорлар, сабзавоткорлар, богбонлар зиммасига қурувчиларни, шаҳар аҳолисини кўпроқ гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини юклатилган. Бу вазифани қанчалик муваффақиятли бажарсак, қурилиш ва ободончилик ишларининг шунчалик тез ва сифатли бажарилишига ердан берамиз. Ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, ҳар бир қишлоқ хўжалик мухтасисини ана шунини чўқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бориши керак.

Номидаги колхоз чорвадорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар, деб актив йиғилиши қатнашчиларини ишонтирди.

Музокарада сўзга чиққан 13-бўлорилик совхозининг директори М. Я. Пуговка ҳам ўзидан олдинги йилнинг финирини қўлаб-қувватлаб таъкидди. Совхоз ишчилари, — деди у, — барча соҳалар бўйича белгиланган план ва мажбуриятларини бажариш учун ҳамма имкониятларини ишга соладилар.

Актив йиғилишида райондаги ойна ва сут заводи сингари ишлаб, чиқариш корхоналари планларини ошириб бажарганликларини ҳам таъкид қилинди. Бирок айрим корхона-ларда белгиланган планлар бажарилмади.

Сабзавот экишда орқада қолаётган айрим колхозларнинг иш иш ҳам таъкид қилинди. Актив йиғилиши қатнашчилари тез кун ичида сабзавотнинг бутун турлари бўйича экиб туғаллаш тадбирларини тўғрисида маслаҳатлашдилар. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайтириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш зарур, бу йил баҳор серёғи келиб, қир-адирларда ўт кўп бўлди. Мавжуд техника-ни ишга солиб, кўп-кўп озу-да жамғарилган эътиборини кучайтириш керак.

Бўстонликликлар бу йил 11 минг тонна галла етиштириш ва шундан 8 минг тоннасини давлатга сотишга аҳд қилганлар. Бу соҳада «Ле-нинград» ҳамда Карл Маркс номида колхозларининг ишлари ибратлидир.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига наидидат, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.


Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. К. Қўрбонов, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Т. Ломоносов ўрғонлар қатнашдилар.

Актив йиғилишида муҳома қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.



ОҚҚЎРҒОН районидagi «Москва» колхозининг пиллачилари ҳозирги кунда пилла қўртни уруғини парвариш қилиш ишларини уюшқонлик билан олиб бормокда. Суратда: колхознинг илгор пиллачиларидан (чапдан) Л. Селиванова, Д. Стариковлар инкубаторидан чиққан иппак қўртнинг қўздан кечир-моқдалар.

А. Абалин фотоси.



ЧИННИКИШ

ШУ ҲАМ ХИЗМАТМИ?

ХАВАСКОРЛАР ФИЛЬМИ

Ўзбекистонда Касаба союзилари совет бидан Кинематографчилар союзи В. И. Ленин тугилган кунини 100 йиллигига бағишлаб ҳаваскорлик фильмлари республика конкурсини эълон қилди. Ҳаваскор киностудиялар шу тарихий санаба бағишлаб меҳнат қўраҳомлиғи, ишчи ёшларини тарбиялаш, коммунистлик одоб, ахлоқ тўғрисида кичика метражли ленталар яратдилар. Пайнда янги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқариш новаторлари эришган муваффақиятлар, меҳнатини илмий асосда ташкил этишнинг самалдорлигини тўғрисидаги кинохитлар бор. Ҳаваскорлик кинокамера бидан спорт майдончаларида ва турстларнинг поҳодларида, стадионларда ва пляжларда бўладилар.

БИР ЙЎЛА БЕШ ОПЕРАЦИЯ

«Чирчиксельмаш» заводи кўп-
лаб ишлаб чиқаришга киришган
«УКА-4» машинаси деҳқон-
ларга албатта манзур ту-
шади. Ерни экишга тайёрлаш
чоғида колхоз ва совхозларда
ишлатиладиган қишлоқ ҳўжалик
машиналаридан бу чизелининг
файри шуки, у бир йўла бешта
операцияни бажаради. Машина
осма иш органлари ёрдами би-

лан тупроқни чуқур ағдариб
ишлаб кетади, минерал ва органи-
кани эриқ соқиди, қишлоқ қилад-
ерни молалайди, экинни су-
ёриш учун эгати ҳам олади. Чи-
зель — кўльтуратор шунинг
дари агрегатларга нисбатан бир
метр ерни кенроқ қамаб олади.
Бу чизель — кўльтуратор
республика ҳўжаликлариди жу-
да кўплаб мавжуд бўлган қуд-
рагли тракторларга осиб фой-
даланишга мўъаллаган.

БШ коммунист Мунаввар Мўминова Тошкент трикотаж фабрикасининг моҳир тукувчиларидан биридир. Пешқадам ишчи беш йиллик топиштрини уч ярим йилда адад эшити учун ғайрат кўрсати меҳнат қилмоқда. Сурагда: М. Мўминова.

8 МАЙ—ПРАГА ОЗОД
КИЛИНГАН КУН

ДУСТЛАРИМИЗНИНГ ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

Чехословакия халқи ўзининг
оддий байрамини тантанали
равишда нишонламакда.

Совет Кўролли Кучлари 1945
йили 9 майда фашистлар уиси
терилини шигол қилди. Рейхс-
газетаси Галаба байроғини
қилди. Лекин Дрезден райони-
ни, Саксония тоғ ва ўрмонлари-
ни, Чехословакияда ҳали душ-
манининг айрим миллиондан ор-
тасиби урушин давом этти-
раётди. Улар Чехословакия ша-
р ва қишлоқларини, Прага-
нинг айрим райониларини байрон
қилиб, катта территорияни ҳа-
ви ўз қўлларига сақлаб, ҳа-
қи қаршилини кўрсатмоқда эди.

Бироқ, нацистларнинг бу даҳ-
латли сўнгги уринишлари че-
словак ватанпарварларининг
юрдасини бука олмади, улар-

диняка биган зүр ил-
днийн Түхатаа олдмд,
дунд чехлар, словаклар
болсовайга, армиял кари-
л Совет Армийнс би-
дөн түрб, миллийн би-
рилмалар партизан от-
ва доподолне хайра-
да жанг килди. Чехосло-
воμμунистин партиясн
гнн отида чехословак
хүзүгдони Прагада ра-
иян, вокзал, почта,
банк ва бошқа мухым
ни құлга олди. Чехос-
танпарварлар Совет
Кушларидан кумак бе-
радилар.

ни сўнг Берлин, Австрия, Венгрияни ишғол этган шиллари уч томондан қанچа пойтахтга даҳ-жукун бошлаб, Прагага қарай кетдилар.

Чехославениянинг жасоратли соҳибкиши дарахлари ин билан тағдирларимиз қўмондонинг билан юксак мукошуни қайд қиларканки, Чехославенияда совет ҳарбийлари берди. Чехославия ҳар ва қишлоқлардан дахшати жаҳалқининг 140

җағдани
ли Кучлари би-
туриб, жанг қил-
вақия корпуси-
а танк бригадаси

бешкисмонлик жанг матонат кўрсатди. лик Мирзаали На Махсумов, М. Саидолим Боқие жумласидандир.

[illegible]

лан мукофотланди.
озод қилганлиги учун
кўпгина совет жангч
нинг кўксини безаб ту
Чехословакия армия

лар алоҳида
р. Тошкент-
ев, Мақсуд
И. Гаспарян,
лар шулар

Прагада жанг вақтларида
сухбат бўлган. Генерал Л.
Свободанинг қўмондонлик
сиясатларини, унинг жангчи
ғамхўрлигини ва аксинч
хушларга қарши қаттиқ
ратини яхши биламиз.

Бугунги зафарли кунда
хословакияни озод қилиш
бўлган катта жанглarda
бўлган совет халқининг ва
хословакия фарзандлар
ўчмас хотирасини эъзозла

Пирагани медали таримиз- биди. корпуси.	Мардлик, жасорат кўрс ботирларни эса шарафлай Ҳозир чехословак ва халқлари бир мақсад йўл социалистик тузум қалаб
---	---

ни мустаҳкамлаш, чет эл
гарликларига қарши қатъ
раш олиб бормоқдалар.

С. ОХУНЖОН
Прагани озод қилиш
нашчиси.

[illegible]

МЕХАНИЗАТОР- ЛАР КУРСИ

«Оққўрғон» совхозида янги механикаторлар курси очилган эди. Унда ҳафтаси бўлиб, ҳар 30 га яқин йигит-қиз таълим олишга қатъиян қарор қилган эди. Буларга қўшиб, 10 нафар қизларнинг дукхат ўқитиб беришга қарор қилинган. Ўқитиб беришнинг ҳар бири чингит ёки шайхонадаги актив қатнашчи бўлиб, деҳқонларига яқинда қўриқ берилар. Улар ўзга партияда ҳам актив иштирокида. Бу эса уларнинг кўпчилиги. Ўқитиб беришнинг маънаси янада мустақил бўлишга, тажрибасини оширишга ёрдам беради.

А. АБДУРАИМОВ.

КИТОБСИЗ БИЛИМ БЎЛМАЙДИ, БИЛИМСИЗ КОММУНИЗМ БЎЛМАЙДИ.

(В. И. ЛЕНИН)

Китоб савдосини яхши йўлга қўйиш, адабиётларни кенг пропаганда қилиш учун ниямларга аҳамият бериш керак? Китобхон харидорлар билан муомала қилишда қандай усуллардан фойдаланиши лозим?

Ана шу масалаларни бамаслаҳат муҳокама қилиш, кенг фикр алмашиш мақсадида китоб савдоси ходимлари яқинда ўзларининг област кенгашларига тўп-ландилар. Иштирокда китоб савдосини тағин ҳам яхшилаш юзасидан тўплаган бой тажрибалар умумлаштирилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Китоб магазинларининг ходимлари вакиллари редакциямига тақлиф этилди. Ҳамкасблар ҳозирги кунда қилинаётган ишлар ҳақида таъриф бердилар. Ўзларининг фикр ва мулоҳазалари қўйида баён қилинаётган.

КИТОБ, МАГАЗИН, ХАРИДОР

— Аҳолига китоб етказиб бериш идеология ишнинг муҳим соҳаси, дейди РЕСПУБЛИКА КИТОБ САВДОСИ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШЛИГИ ЎРТОҚ Б. ГУЛОМОВА.

Бу — меҳнатқиллар ўртасида билим ва эво, маданият ва маърифат тарқатиш, демаскидир. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз китоб савдоси тармоқларини кенгайтириш ҳақида уларнинг техника-иқтисодий базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар.

Адабиётлар тарқатиш ва сотиш иши асосан китоб савдоси республика бирлашмаси зиммасига тушади. Ҳозир республикада 500 дан ортиқ савдо тармоғи мавжуд. Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган магазинлар сонини эса 20 дан ортиқ.

Китоб бозорлари, ҳафталиклари ва байрамларини ўтказиш бизда кенг тус олди. Ишчи посёлкаларида, кўлхоз ва соххозларда ҳам бу хил оммавий тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Ҳайвонот бўлиб соҳада тўплаган бой тажриба оммалаштиришга арийдилар. Универсал магазинларда, ҳатто дорихона ва кутубхоналарда ҳам китоб савдоси уюштирилмоқда. Савдо-сотиқ ишлари тобора яхшиланган бораётганини туйғайди китоб сотиш планлари ортиқ билан адо этилаётган.

— В. И. ЛЕНИН ТУЙИЛГАН КУНИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КИТОБ САВДОСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

— Юбилей олдидан В. И. Ленин асарлари ва унинг бой мероси ҳақида кўплай китоблар босилиб чиқди. Жойларда юбилей асарлари билан савдо қилиш ажб олди кетди. Илгиринчи ҳаёт ва фаолиятига оид 80 га яқин китоб сотиш учун чиқарилади. Бу асарларнинг аксарияти «Ўзбекистон» Давлат нашриёти томонидан босилди. Марказий нашриётлар ҳам босилажак юбилей асарлари рўйхатларини бизга юбордилар. Уларни ҳам меҳнатқилларга ўз вақтида етказиб бериш учун ҳаракат қиламиз.

«Дохий асарлари — ҳар бир ўй, ҳар бир ҳолатда» деган шир остида конкурслар ўтказилди. Дохий асарлари бўйича ҳафталик, декада ва ойликлар ҳам бўлади.

Шонли юбилейни муносиб кутуб олиш учун бошланган Бутуниттифоқ мусобақасига китоб магазинлари ходимлари ҳам актив қўшилдилар.

— ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ АДАБИЁТЛАР АССОСАН ҚАЙЕРЛАР САВДО ҚИЛИНАДИ?

— Ижтимоий-сиесий адабиётларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Китоб шинавандаларининг адабиётларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида жойларда ижтимоий-сиесий адабиётлар заллари ёни алоҳида бўлимлар олдиди. Тошкент вилоятида жойларда, 9-ва китоб пасажий каби қатор магазинларда бу хил адабиётлар билан савдо қилиш кенг йўлга қўйилган.

Ихтисослаштирилган китоб магазинларининг

истиқболди каттадир. Шу яқин орада Чирчиқда ана шундай катта китоб магазини ишга тушади. Келгуси йили эса Тошкент, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида ҳам янги савдо ўчоқлари очилади. Республика китоб магазини курилади.

Шунингдек, адабиётларни турли соҳалари бўйича ҳам китоб магазинлари очиш кўзда тутилган. Чунинчи, пойтахтнинг Пушкин кўчасида илмий-техника адабиётлари билан савдо қилувчи магазин меҳнатқиллар ихтиёрида бўлади. 840 квадрат метр майдонини ишғол этади. Илмий-техника оид барча адабиётларини шу ердан сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, «Октябрь» массивида бир каватли китоб магазини ишга туширилади. Янги китоб магазинлари учун Москва, Кострома шаҳарларидан 108 минг сўмлик турли жиҳозлар олазми.

Келгуси йилда Тошкент, Фарғона шаҳарларида китоб уйлари меҳнатқилларга арғуни олинади. Китоб базаси курилиши бошлаб юборилди. Шундай қилиб, ихтисослаштирилган магазинлар сонини тағин ҳам ортиқди. Бу эса харидорлар учун катта қулайлик тугдиради.

— БАДИИЙ ОТКРИТКАЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

— Кейинги йилларда бадийи откриткалар кўпайиб чиқарилаётганини ўлар билан савдо қилиш кенг йўлга қўйилди. Айниқса таъсирли савдо бўлимларига эга бўлган магазинлар кишилар билан таъсир. Бадийи плакатлар ҳам кишилар томонидан кўпайиб сотиб олинмоқда. Биз келгусида бу хил бўлимлар билан савдо қилишни тағин ҳам яхшилаш мақсадида турли қулай усуллардан кенг фойдаланамиз.

— САВДО МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Республикада, жумладан Тошкент областидан харидорлар билан маданият иш усули анча кенг ёйилди. Шу билан бирга, ҳали айрим жойларда, айниқса қишлоқларда китоб савдоси маданияти қўнғилдадек эмас. Биз келгусида китобхоналар конференциялари деярли ўтказилмайдилар. Китобхоналарини ёзувчилар билан бўладиган учрашув кечалари эътибордан четда қолмоқда.

Китоб савдоси соҳасида қилиниши лозим бўлган яна қатор ишлар бор. Шу шарафли вазифани муваффақиятли амалга оширишда биз шубҳасиз кенг жамоатчилик ёрдамига таяламиз.

Дохий тугилган кунининг 100 йиллигини биз ҳам меҳнат ютуқлари билан кутуб оламиз. Савдо-сотиқни кенг йўлга қўйиш, китоб савдоси маданиятини тағин ҳам ошириш бизнинг асосий вазифамиздир. Бу билан кишиларнинг китоб ўқишга яқиндан ердан берган ва уларни сиёсий ва маданий тарбиялаш ишига ўз ҳиссамизни қўшиб бўламиз. Бу — ҳаёт ва давр тақозосидир.



ЯНГИЙЎЛ районидagi 14-мактаб кутубхонаси адабиётларга бой. Кутубхона ходимлари ўқувчиларга турли дарслик ва адабиётлар тарқатиш билан бирга Ленин номли кўлхозда ҳам китоб пропагандасини кенг йўлга қўйишган. Суратда: кутубхона мудири ўртоқ Д. Ҳидоятова китобхоналарга китоблар тарқатмоқда.



Ушбу пролетар ёзувчиси Максим Горький «Китоб» — инсон яратган анг буюк мўъжизалардан бири» деб бежиз айтмаган эди.

Ана шу мўъжизалар билан аҳолини ошно қилишда биз китоб сотувчи ходимларнинг иш тўғриси ва улуши каттадир.

Китоб савдосини яхшилаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало яхши жиҳозланган китоб магазинлари бўлиши лозим. Авваллари Чирчиқда бор. Ўйи тўрттагина китоб савдоси

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

магазини бор эди. Устига-устак улар тор ва ихтисослаштирилмаган эди. Шаҳар партия комитетининг яқиндан берган ёрдами туйғайди кейинги йилларда ихтисослаштирилган китоб магазинлари куришга алоҳида аҳамият берилди, ҳозир адабиётлар билан савдо қилувчи 11 та магазин мавжуд. Яқин орада шаҳримиз аҳолисига яна бир совға ҳади этилади. Бу — универсал ихтисослаштирилган китоб магазинидир. Унда катта зал ҳамда сиёсий, обуна нашрлари адабиётлари ва билимлар бўлади. Магазин «Билим» деган ном билан аталади.

Шаҳримизда ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган китоб магазинлари ҳам ишлаб турибди. Ўртоқ К. Данилова бошчилиги қилаётган марказий магазинда китоб шинавандаларининг адабиётлари ни хариб қилиб олишлари учун қулайликлар мўҳайи этилган.

Бу ерда шунини айтиш керакки, китоб пропагандасида шаҳримиздаги энг тарқатувчилар томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзининг иқобий самарасини бермоқда. Бундан ик-

ки йил муқаддам Чирчиқда «Китоб байрами» ўтказилган эди. Унда кўп шаҳар байрам либосига бурканди. Марказий кўчаларда китоб савдолари ташкил этилди. Ёзувчилар ва савдоқорлар китоб базмига қатнашиб, ўзларининг ижодий режалари ҳақида таъриф бердилар.

Шонли Ленин комсомолининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган китоб байрами ҳам ўзига хос тантаналарга айланди. Ён яхши асарларга макет-китоблар тузилди. Ёзувчи ва шорлар билан қизил суҳбатлар бошланиб кетди. Шаҳар бадийи ҳаваскорлик коллективлари энг яхши қўшиқ ва рақсларни ижро этишди.

Йилда дохий В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан «Китоб — оммага» деган сайл ташкил этилди. Шунинг унутмаслини раққис, амалга ошириладиган бу

хил тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Чунки, китоб байрамларида ёшларимизнинг юрми-туришлари, ҳуш-ахлоқлари ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказилди.

Келгусида китоб савдосини яхшилашнинг яна бошқа қулай усулларидан ҳам кенг фойдаланамиз. Бунинг учун конкрет иш планлари тузиб чиқилди. «Алифба байрами», «Китоб — офтоб», «Китоб — билим манбаи» деган кечалар ўтказиш ҳам кўзда тутилди.

Савдо планлари ошғин билан бажарилмоқда. Ўтган йили республика бўйича иккинчи даражали пул мукофотини олган эдик. Бу йил ҳам республика конкурснинг голлини бўлиш учун астойдил курашамиз.

Р. ЛАТИПОВА, област китоб савдоси бошқармаси Чирчиқ филиалининг директори.

„Оламда китобдан азиз дўст йўқдир“.

А. НАВОЙ.

МАЪРИФАТ ЎЧОҚЛАРИГА ДИПЛОМЛАР

«Китоб оймага». Ана шу шир остида кутубхоначиларнинг, Бутуниттифоқ кўриги ўтказилган эди. Кутубхоналар фаолияти учун катта имтиҳон бўлган мазкур кўрида қатор маърифат ўчоқлари муносиб тақдирланди.

Китобхоналар билан яқиндан иш олиб борган, адабиётлар пропагандаласи билан кенг шугулланган, китоб фондидини бойитган кутубхоналар кўрик голлиларини бўлдилар. Улар орасида областимиз кутубхоналари ҳам бор.

Тошкент област кутубхонаси фаолияти ҳам ижобий баҳо-ланди. Бу ерда кутубхоналар билан ишлаш соҳасида бой тажриба тўплаган, адабиётларнинг турлари бўйича каталоглар тузилди. Китоблар танлаш юзасидан консултантларга ўтказиб турилади. Кутубхонада «Янги китоблар бурчаги» ҳам бор. Ибратли ишлари учун област кутубхонаси биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Областининг Янгийўла, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ каби район ва шаҳарларидан 30 га яқин намунали кутубхоналар эса «Азиз хизмат кўрсатуви кутубхона» деган номга сазовор бўлди.

Бу соҳада республикамиз миёсидан ҳам яхши тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, областимиздаги бир неча кутубхона иши мақтовга лойиқ деб топилди.

Урта Чирчиқ районидан «Ленин йўли» кўлхоз кутубхонаси Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва маданият ходимлари касба союзи республика комитетининг биринчи даражали дипломини олганига муваффақ бўлди. Худди шу диплом билан Ҳазратли клуби ху-зуридаги, «Товоқсой» посёлкасидаги кутубхоналар ҳам мукофотланди.

Шунингдек, тўртта кутубхонага иккинчи даражали ва 7 та кутубхонага учинчи даражали диплом берилди. Мукофотланган маърифат ўчоқларига «Кур-хонда голли чиққан кутубхона» виштеллари таъинланди.

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ»ГА МАРҲАМАТ

Китоб магазинлари кишилар билан доим таъсир бўлади. Китоб шинавандаларини ўзларига керакли адабиётларни хариб қилдилар, нашриёт янгиликларини билан танишдилар. Бу — шундай қарағанда оддий иш бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса китоб савдоси кўпқиррали ва масъулиятли ишдир.

Бизнинг вазифамиз фақат шулар билангина қифойланмайдилар. Китоб савдоси бошлангунча анчагина тайёргарлик ишлари қилиб қўламиз. Ихтиёримиздаги адабиётлардан муҳимларини тезроқ баҳраманд этиш чораларини курамиз.

Китоб магазинидан янги адабиётлар бурчаги ёни иштинмаси, китоб сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам анча қулайлик тугдиради. Бу билан, биринчидан адабиётлар кенг пропаганда қилинади, иккинчидан харидорлар ўзларининг қизиқтирган адабиётларини тезда топадилар.

Жовонларга китобларни тарти билан териб қўйишда ҳам тас қўй. Китоблар жой-жойида турса, қандай асарлар борлигини билиб олди қийин эмас. Кўп жойларда бўлгани каби мага-



зинимизда ҳам китоблар классификация тартиби бўйича жовонларга қўйилган. Китоб сотувчилардан Н. Маққамова, Г. Мадалиева ва М. Рустамова ўртоқлар адабиётларнинг пропаганда қилинишига бу усулларнинг кенг жорий қилиниши жоноблик кўрсатмоқдалар.

Магазинимиз ўз оти билан

Ўзбек адабиёти китоблари савдоси ўчоғидир. Ўзбек тилида нашр этилган бадийи, сиёсий, оммабоп адабиётларнинг ҳаммаси шу ерга келтириб сотилади. Янги чиққан асарлардан кўз қулоқ бўлиб туриш учун китоб базаларига тез-тез бориб тура-миз. Пул-булак харидорларнинг буюртмалари бўйича турли китобларни ҳам олиб қайта-миз.

Китоб жовонинида дастхатли адабиётлар бўлганига не етсин! Одатда янги чиққан асарлар магазинимизда сотилаётганда кўпчи муаллифлари томонидан дастхатлар ёзиб берилади. Уйғун, Мирзақалон Исмомий ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари чиққанда ўларнинг китобларини шу тартибда сотдик.

Бу ишларимиз ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Китоб сотиш бўйича олинган ва квартал планлари ортиг билан адо этилди. Коллективимиз энг яхши ходимлар учун эълоқ қилинган республика конкурсига биринчи даражали мукофотни олганига муваффақ бўлди.

«Ўзбек адабиёти» китоб магазинига марҳамат қилинг. Сизнинг хизматингизга доим тайёр-миз!

М. САЛОҲОВА,
Тошкентдаги «Ўзбек адабиёти» китоб магазинининг бўлим бошлиғи.

КАСБИМ — ФАХРИМ

«Китобсиз инсонга муносиб ҳаёт йўқ, онгли равнашда олға қараб бориш йўқ» деган қадимий нақл бор.

Баъзан, таниш-билишлар касби-коримиз сўраб қолганида: «Китоб магазинида ишлайман, энг тарқатувчиман» дейман фахр билан. Дарвоқе, шундай. Кишиларни билим манбаи бўлган китоб билан баҳраманд қилиш шарафли ишдир. Мана, қариниб, 20 йилдирки, китоб шинавандалари билан муомала қиламан. Кўп йиллик меҳнатим муносиб тақдирланди ва тақдирланмоқда. Менга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи берилди. Китоб магазинида ишлайман, ўз гапни, ўз завоқ бор, албатта. Адабиёт янгиликларини хабардор бўлиб турасан. Билимнинг-билим, завоқнинг-завоқ қўйиладилар. Айни бир вақтда китобхоналарни адабиёт янгиликларини билан хабардор қилиб, улар қувончига ҳам шерик бўласан. Хуллас, харидорлар хизматига бўлиб, иш вақти тугаб қолганлигини ҳам билмайсан, киши!

Қандай асар қачон ва қайси

„Китоб — халқимизнинг ҳаёти-дир“.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.



нашриётда босилажак бизга олдидан маълум. Нега десангиз, «Ўзбекистон», «Фан», «Медицина», «Ўқитувчи» каби нашриётларнинг тематик планлари билан танишимиз. Баъзан тематик планлар муҳокамасига бизни ҳам тақлиф қилишади. Магазинимиз универсал сав-

до ўчоғи эмасми, мамлакатимизнинг марказий нашриётларида босилаётган адабиётларни ҳам олиб турамин. Адабиётлар учун турли бўлимлар ажратилган. Харидорлар билан янги адабиётлар ҳақида суҳбатлар ўтказиб турилади. Китоб сотувчилардан В. Шамаева, В. Зоҳидова ва М. Миралиевалар томонидан уюштирилаётган бу хил савдо-жавоблар китобхоналарда ната қизиниш йўғотмоқда.

Кўпма савдо ҳам кенг йўлга қўйилган. Ходимларимиз вақти-вақти билан ен-атрофимизда жойлашган корхона ва турли муассасаларда китоб савдосини ташкил этишадилар.

Тошкентдаги 10-мактабдаги китоб тоқамизда ҳам иш қизиб. Жамоатчи пененонер ўртоқ З. Велхова ўқувчилар учун китоб сотишда, айниқса, жоноблик кўрсатмоқда.

Коллективимиз йилига 116 минг сўмликдан ортиқ турли адабиётларни сотишга муваффақ бўлган. Китоб савдосидаги ютуқларимиз учун бир неча бор пул мукофоти олдик. Қўдаги ишритаётган буютқиларини тағин ҳам мустаҳкамлай-миз.

Ш. ЭРМАТОВА,

Тошкентдаги 15-китоб магазинининг директори.



Суратда: Паркентдаги китоб магазинида савдо пайти. Н. Тўраев фотоси.

„Ўзимдаги ҳамма яхши нарсалар учун китобдан миннатдорман“.

М. ГОРЬКИЙ.

„Одам китоб ўқишми тарқ қилгач, мулоҳаза юритишни ҳам тарқ қилади“.

Д. ДИДРО.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

30 апрель куни Ханойда чет малакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари орасида ҳамда Совет — Вьетнам дўстлиги жамияти билан Вьетнам — Совет дўстлиги жамияти ўртасида 1969 йилги ҳамкорлик ва тинчликни таъминлаш вазирида имзоланди.

Ҳамкорлик ва тинчликни таъминлаш вазири билан СССР БДРда мамлакатларнинг ҳалқларининг дўстлиги ва бирдмаллиги бағишланган оммавий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилди. Масалан, Совет Иттифоқида вьетнам ҳалқининг Америка агрессиясига қарши олиб бораётган кураши билан совет — вьетнам дўстлиги ва бирдмаллиги ойлари ҳамда Украина ССРда «Вьетнам куллари» ўтказилиши кўзда тутилди. Ушбу Ойлар социалистик революциясининг 52 йиллиги муносабати билан БДРда «Вьетнам — совет дўстлиги ҳафталиги» ва «Украина ССР куллари» ўтди.

Бу тадбирлар В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги бағишланади.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ



МАМЛАКАТЛАР ОДАМИЛАР ВОҚЕАЛАР

1945 йилнинг 13 февралда — гитлерчилар тақдир қилиб қолганда — инглиз-америка авиациясининг бомбардировчилари Германиянинг фахри бўлган Дрезденни вайронга айлантирдилар. Орадан йиллар ўтди. Шаҳар бутун халқ ва ГДР ҳукуматининг жопбозлиги туфайли қайта тикланди. Суратларда: (чапда) бундан 24 йил аввалги Дрезден. Ушундан суратда эса қайта тикланган шаҳарнинг Эрнст Тельман кўчаси.

АДН—ТАСС фотоси.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОИ, 6 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик кураши кўчаларида 30 дан ортиқ самолётнинг уриб туширилди, ерда турганда яқин қилдирилди ва шикаст етказилди, икки ҳарбий кемасини ғарқ қилдирилди, салкам 80 ҳарбий автомашина ва 5 тушми мажлаб ташландилар.

Озодлик матбуот агентлигига асосланган хабар беришча, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманининг 30 дан ортиқ самолётини уриб туширилди, ерда турганда яқин қилдирилди ва шикаст етказилди, икки ҳарбий кемасини ғарқ қилдирилди, салкам 80 ҳарбий автомашина ва 5 тушми мажлаб ташландилар.

ЯНА ИҒВОГАРЛИК

АММОН, 6 май. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари қўшни араб мамлакатлари билан ўт очини тўтатиш ланинисида иғвогарлик ҳаракатларини бир кун ҳам тўтатишлари йўқ.

Иордания кўроли кучлари қўмондонлиги вакиллари хабар беришча, кеча маҳаллий вақт билан соат 13 дан 50 минут ўтганда Исроил қўшинлари Ал-Лебна кўприги раёнида Иордания қўшинлари позициясига қараб миномет, тўп ва танклардан ўт очдилар.

Шундан кейин исроилликлар Иордания дарёси водисининг марказий қисмидаги Қурмаи қишлоғини ва Иордан дарёси водисининг жанубий қисмидаги Мансабба қишлоғини оғир тўп-

лардан ўққа тутдилар. Иордания қўшинлари жавоб ўти очди. Соат 17 гача тез-тез давом этган отишмалар натижасида Иордания қўшинлари қишлоғини ғарқ қилдирилди. Иордания қўшинлари талафот кўрмадилар.

ҚОҲИРА, 6 май. (ТАСС). Сувайш каналининг шарқий соҳилини оккупация қилиб турган Исроил қўшинлари канал бўйида туриб яна ўт очдилар. МЕН агентлигининг хабар беришча, отишма маҳаллий вақт билан соат 11 дан 45 минут ўтганда бошланди ва Ал-Балла, Ал-Кантара ва Ал-Тинь районларида давом этди.

НАТОНИНГ ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКАДАГИ МАНЁВРЛАРИ

ЛОНДОН, 6 май. (ТАСС). Шимолий Атлантика раёнида НАТО қўшинлари бўлган беш мамлакатнинг навабдаги ҳарбий деңизли манёврлари давом этмоқда, деб хабар беришди Англия муҳофафза министри.

Хабарда, жумладан манёврларда АҚШ, Англия, Канада, Голландия ва Норвегия кемалари ҳамда, самолётлари қатнашаётганлиги айтилган. Ўтказилаётган манёврларда маневр — кемаларга қарши муҳофафза соҳасидаги биргаликда ҳаракатларини ишлаб чиқишдан ва маневр қатнашаётган кучларнинг таътирларини текширишдан иборат.

Маҳаллий кузатувчилар шу йил август ойида яна шу ҳарбий блокнинг шартнома муддати тугаши билан қатнашаётган НАТО ҳарбий таътирларини маддаштиратиётганлигини таъкидламоқдалар.

НАТО блокига аъзо бўлган бир қанча мамлакатларда, жумладан Норвегия, Туркия, Исландия, Дания, Голландия ва Бельгияда Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти чиниб кетиш майдонлари борлиги эълон қилинди. Англиянинг тараққиётпарвар жамоатчилиги ҳам шундай талаблар билан майдонга чиқмоқда.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

1945 йилнинг 8 майи немис миллати солдомасининг олдидан сарфлаб бўлиб қолган кундир. Ана шу тарихий кунда Германияда гитлерлар султанини тилга-пора қилиб, мунаваар тоғ отди: немис халқи фашизм асоратидан озод бўлди. Бу йил ГДР халқи Озодлик кунини республика юбилейига бутун мамлакат бўйлаб қизғин таърифлар қилиш билан бир пайтда байрам қилмоқда.

Шу йилнинг 7 октябрийда ГДР халқи ўз давлати — немис миллатининг биринчи социалистик давлати ташкил топган кунининг йилгига йиллигини нишонлайди. Республика граждандари йилгига йиллик муваффақиятларга эришди, кўпгина ишлар ва ифтихор билан яқин ласомқдалар, қолми ишони билан истиқбол режаларини белгилаб олмоқдалар.

«Биз кундалик Совет Иттифоқи билан бузиламан дўстлик ва доимий ҳамкорликда яшаймиз» деган қарор билан республиканинг 20 йиллик юбилейига таърифларини кўпгина кўнатишнинг юбилейи таърифларидан. — Бизнинг мамлакатимиз Европада қалбидан иқтисодий тараққиёт қалласига, немис халқи тарихидан энг муваффақият даражасига эришди.

Маълумки, гитлерчилар Германияни иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифонинг қаҳрамонона жасоратига дош беролмай мағлуб бўлгандан кейин, Германияда кескин вазият юз берди. Империяликлар социал-демократларнинг ўнг лидерларига таялиб, ғарбий зонада миллий Германия давлатини аниқлаш олдига муваффақ бўлдилар. 1949 йилнинг сентябрий ойида Германия Федератив Республикасини ташкил этдилар.

Немис халқининг ватанпарвар кучлари 1949 йилнинг 7 октябрийда Германия Демократик Республикасини эълон қилдилар. Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши немис халқи тарихида, шунингдек, Европа тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Қирғинлик уруши, шунингдек, империалистларнинг Германияни парчалаб юборишга қаратилган кўпқўрғинлик ҳаракатлари туфай-

ли халқ хўжалигида вужудга келган оқибатларни тугатиш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлашга ва кўрбон беришга тўғри келди. Республикада яна шу қийинчиликлар натижасида ва фидоқарона меҳнат энгизилган бартараф қилинди. Эндиланса Германия Демократик Республикасини кундалик социалистик сановат ва замонавий иқтисодиёт ривожланган иқтисодий хўжалигига эга бўлган давлат, га айтади.

Республикада социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари абадий галаба қозонди. Социалистик халқ мулкнинг вужудга келтирилганлиги, сановатда социалистик, яъни хўжалигини тўла жо, рий этилганлиги, деҳқонларнинг иқтисодий хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларига бириктирилиши, хушамандчилик ишлаб чиқариш кооперативлари тузилганлиги, капиталистик ҳусусий корхоналарнинг давлат иштирокидаги

сингари тармоқлари беқисс ривож топди.

Урушдан сўнг бир неча шаҳарлар қайта қурилди. Берлин ва Дрезден, Карл-Марксштадт, Лейпциг ва Магдебург шаҳарларининг уруш туфайли вайрон бўлган марказий қисмлари қайта тикланди. Республика ташкил топгандан кейин вужудга келган Зисенхот-тенштадт, Галле-Гойштадт, Швейд-наби янги шаҳарлар ва Ростокнинг янги районлари буғунги кунда социалистик давр иқтисодиёти ўзига мўljасамлаштирилган.

Қўйилган рақамлар ўтган йилгидан йил мобайнида Германия Демократик Республикасининг олға қараб нақадар илгариллаб кетганини аниқлаб кўрсатиб турибди. Республиканинг миллий даромади 1950 йилдан буён уч баробар ўсди. Бу йил — юбилей йилида миллий даромади 10 миллиард маркадан ҳам ортиқ бўлиш кутилмоқда, бу кўрсаткич республика

БУГҲУ — НЕМИС ХАЛҚИ ГИТЛЕРЧИЛАР АСОРАТИДАН ОЗОД БЎЛГАН КҮН

корхоналарга айлантирилиши, ҳусусий савдо билан комиссия шартнома тузилганлиги — яна шуларнинг ҳаммаси Германия Демократик Республикасининг янги социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг тантанаси бўлди.

Меҳнатнашларнинг қаҳрамонлиги туфайли Германия Демократик Республикасининг қишлоқ иқтисодиёти музжиза яратилди, эндиликда бу республика маҳондаги етаци сановат давлатларидан бирига айланб, дунёда унинг обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Ишчилар синфининг авангарди бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси йилгига йил мобайнида социалистик давлатнинг моддий базасини вужудга келтириш, социалистик иқтисодийни маддали суръатларда ривожлантириш ниятини амалга ошириб келди. Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб янги корхоналар қурилди, сановатнинг нефть ва химия, электрон, кемаозилик ва металлургия

тарихида янги қўрилмагандир. Иқтисодий бойлиқнинг ёпиши билан ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи ҳам 1950 йилдаги нисбатан уч ярим баробар ортди. Мамлакатда қишлоқ иш вақти, юсурий иш ҳақи берилган ҳолда беш кунлик иш ҳафтаси жорий этилди.

Юбилей йилида давлат томонидан ажратилган капитал маблағи 1950 йилдагига нисбатан санъий баробар кўп бўлди. Сановатда натижа сакраш рўй берганлиги яна шундан ҳам билиш мумкинки, ҳозир ҳар йили Германия Демократик Республикаси 1936 йили бутун Германияда ишлаб чиқариш миқдорига сановат товарлари тайёрламодир.

Қишлоқда йилгига йил ичида рўй берган ўзгаришларнинг аввалги йил берган натижаси мумкин, Партия социалистик ўзгаришларни ер ислоҳоти ерга бўлган капитал-истин ва феодал мулкчиликнинг бастамон тугати. Ер ўз эгалари қўлига ўтди. Шу билан қишлоқ-

да демократик ва социалистик муносабатларнинг ривожланиши учун пойдевор қўйилди. Эндиланса да кооператив мулк деҳқон мулк бўлиб қолди. Деҳқон меҳнати социалистик коллектив меҳнати айланди ва у ўртоқларча бири-бирига ёрдамга асослангандир.

Кооперативларда оқинлардан олинётган ҳосил ва чорва маҳсулдорлиги, шу билан бир қаторда деҳқонларнинг фаровонлиги йилдан-йилга ўзгариш ривожланиб бормоқда.

1967 йилнинг апрелида бўлиб ўтган Германия Бирлашган социалистик партиясининг еттинчи съезидан кейин қишлоқ хўжалиги таркибидеги янги босқичга қилди. Съезд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада иқтисодлаш, уни аста-секин сановатга олиб келиш ва босқичларга ўтиш, шунингдек, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан алоқани кенгайтириш ҳисобига кооперативни ўстириб бориш вазифасини қўйди.

Германия Бирлашган социалистик партияси йилгига йиллик муваффақиятларга яқин эришди, халқ олдида янгида-янги вазифаларни қўймоқда. Бу вазифа, партиянинг еттинчи съезиде очилган деҳқонлик берилганлиги, социалистик ривожланган иқтисодий системани вужудга келтиришдан иборат. Ана шу мақсадда партия иқтисод, социалистик демократия, маориф, маданиятни ривожлантириш ва маънавий муҳофафзани муваффақият билан боғлиқ бўлган амалий масалаларни ҳал этмоқда. Шу мақсадда 1968 йилгача мамлакат тараққиёт режалари ишлаб чиқилмоқда.

ГДР ўз таърих сўёсатда Совет Иттифонинг билан қардошларча муносабатларини кенгайтириш ва янада ҳамдўстлигини доимо мустақимлаб бориш ва социалистик интернационализмнинг ривожлантириш йўлини янги амалга ошириб келаяти. ГДР халқи ўз республикасининг ушунинг йиллигига қўнми ишонт билан қадим қўймоқда.

М. САИДХОНОВА,
Т. МИХРОДИЕВ.

ҲАР ТҲҒРИДА

ҚИЛИЧ БАЛИҚ ҲУЖУМИ

1967 йил 6 июлда Американинг сув ости тадқиқотчи кема «Элвин» океан тубида 600 метр чуқурликда сузиб борарди. Экишак эса илмий кузатишларга ҳозирлик қўларди.

Бирдан кема штурмани проектор ёрунда, кемадан ўн метрча нарида қандайдир бир нарсаси ваҳимали ҳаракат қилаётганини сезиб қолди. Орадан бир дақиқа ўтмакчи бу қопқора нарсаси кеманинг ёл-ёруғ ойнасига ўзини урди. Бу қилич-балиқ эди.

Қилич-балиқнинг зарби кема корпусини ларзага солди. Кемага сув кирди бошланди. Юнонча сузиб чиқишга тўғри келди. Сув ости кемасини юқоридан турган кема устига олиб чиқилди, қилич-балиқ ҳам «илашиб» чиқди. Балиқнинг қилчдек тумшуги кема деворини ичига қараб ярим метрча кесиб юборган экан.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Гаш-кентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов тру-даччи.

РЕДАКЦИОННЫЕ ТЕЛЕФОНЫ. Редатор — 835212. Редатор ўринбосари — 835885. Базис, Машулов секретарь — 834808. Пропаганда адабиёт ва санъат бўлими — 831936. Сановат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833788. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлими — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, маънавият ва олий ўқув юрлари бўлими — 839050. Совет қурилиши, маънавий хизмат ва шахар қўнмалиги бўлими — 838761. Катталар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Ўқитилар бўлими — 838142. Коммутор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02986. ИНДЕКС — 6469. В — 2275.

Реклама Экранлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар програ-маси.
Рус тилида: 18.35 — Телеянгилар.

Ўзбек тилида: 18.50 — «Ишчи номи мағрур янгради» (Телепрограма), 19.25 — Телеянгилар, 19.40 — «Эмлада учрашув» (Баллий фильм, рус тилида), 21.15 — Г. Гулом адабий портрети.

МОСКВА КУРСАТИ
22.30 — Футбол бўйича СССР биринчилиги, ЦСКА — «Динамо» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва курсати.

ТОШКЕНТ КУРСАТИ

22.30 — ЖАНГИЛАРНИНГ ТА-

ЛАВЛАРИГА МУВОФИҚ КОНЦЕРТ,

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТИ

Рус тилида: 20.00 — «Ҳарбий

музика оркестри» (Инифильм),

20.20 — «Сизнинг кучагизда»

(Панели-оммабот фильм), 20.30 —

«Кўнми хамроҳ» (Концерт),

21.30 — «Волгадаги буюк жанг»

(Хушнотли фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — 8/У да Пино-
вая дама, 9/У да Катта концерт

(кундуз ва кечурун).

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК

ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/У да Пар-
вона, 9/У да Ўғирланган умр (кун-
дуз ва кечурун).

МУКИМИ НОМЛИ ТЕАТРИДА —

8/У да Икки билануш, 9/У да

Байрам концерти (кундуз ва

Фаргона тоғ отунича (кечурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»

ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/У да 18

ишлгилм.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ўзоқ Ғарба — САНЪАТ СА-

РОНИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кеч-

курун).

Қасос (1—2-сериялар) — НА-

ВОНИ НОМЛИ, «ВОСТОК» (кундуз

ва кечурун).

Чегарада ўтган тун — «ЎЗБЕ-

КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМ-

СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва

кечурун).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг

янги саргузаштлари — «ЎЗБЕКИ-

СТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА»,

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИ-

ЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

ЭЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 да

бошланади)

Ана-уна Карамасовлар — НА-

ВОНИ НОМЛИ.

Қасос (1—2-сериялар) — «ФЕ-

СТИВАЛЬ».

Хонимлар ҳаётидан лавҳалар —

«ХИВА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ

ЗАЛИДА

9—10 МАЙДА

ХИЗМАТ КУРСАТГАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ

ХАЛҚ РАКС

«БАҲОР»

АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

(Янги программа)

Катнашадилар:

СССР халқ артисти

МУКАРРАМА

ТУРҒУНБОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат

қўрсатган артистлар, Раъно

НИЗОВА, Тўркан ЮНУСОВА,

Раъшан ШАРИПОВА, Дилбар

КАРИМОВА, Эркин РИСУЛ-

ЖУНБАЕВА, Нелл БАШМАН,

Валентина РОМАНОВА, Раббон

ҲАМДАМОВ, Қарамон ДАДА-

ЕВ, Бахтиёр ЎЛДОШЕВ

(халқ ашулалари)

Концерт кеч соат 8 да бош-

ланади

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГРАЖДАН-

ЛАРИ МЕҲНАТ

РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛА-

НИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ

ШАҲАР БЎЛИМИГА

механизатор касбига эга

бўлган: тракторчилар, энсавар-

торчилар, бульдозерчилар, сле-

сарлар, тоқарлар, ҳамда Қир-

дарё области «Фарход» совхо-

зида доимий турли учун хо-

ҳиш бор микроблар ва сабза-

вотчилар

КЕРАК

Муронабат учун адрес: Тош-

кент шаҳар, Пролетар кўчаси,

4-уй ва меҳнат ресурсларининг

фойдаланиш бўйича район ик-

рония комитетлари вакилларига

мунонабат қилинг.

Хамза номидаги Ленин ор-

дени ўзбек Давлат академик

драма театри коллективини ар-

тист Т. Қаримова отаси